

“ТАСДИКЛАЙМАН”



Навоий шаҳар
Ободонлаштириш
бошкармаси бошлиғи
М.И.Ортиқов

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий-2022 й

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмети: Навоий шахар Ободонлаштириш бошкармасига мавсумий гуллар 168 960 (Бир юз олтмиш саккиз минг тўқиз олтмиш) дона виола сотиб олиш бўйнча.

1.2. Танловнинг юкори киймати 337 920 000 (Уч юз ўттиз етти миллион тўқиз юз йигирма минг) сум. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чиқилманди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

Ушбу тайлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган иштирокчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномага асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Навоий шахар Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Навоий шахри Спутник к. С.Айний 107 уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссиями томонидан ўтказилади.

2.3. Танлон Навоий шахар Ободонлаштириш бопкармаси "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади,

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишига ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга булган барча ЯТТ ва юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.3. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади: танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб ўтилган маблагларнн беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколятлар; танлов обьектига ухшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холла);

Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлон жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
кайта ташкил этилиши (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
мол-мулки мусодара килинганлар хамда муасислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсаталиши керак;

* Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тулов тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган. номерланган. ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқданган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси;

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хакиқийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар

булади:

- таклифлар бериш муддати тугагунига кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартериш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учуй таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакиийлиги ва тугрилига жавобгардир. Фолиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгаришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (иши. хизматни) узгартеришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак, шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартеришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларии танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклла тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроюн юборишга хакли, суроюн келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур суроюн давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суроюнга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловининг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларини тақдим этиш тугрисида суроюн юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроюн келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади

Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиқ ўринбосари

Н.Каримов